

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2021/923 - сонли

Тошкент вилояти.

" 3 " 11 2021 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга *буюртмачи* хизмати” ДУК (кейинги ўринда “*буюртмачи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Бахтиёр Бахромжонович** бир томондан ва **Янгийўл ТЙФУК** (кейинги ўринларда “*пудратчи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Махмудов Мирзаниёз Мирзаилясович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Янгийўл тумани Қора тепа МФЙ Ғалаба кўчасини жорий таъмирлаш** ишларини бажаришга доир амалдаги **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 апрелдаги 187-Ғ-сонли Фармойиши** асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчига* ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда **ҚҚС билан 72 973 466 (Етмиш икки миллион тўққиз юз етмиш уч минг тўрт юз олтмиш олти) сўм**, шундан **ҚҚС 9 518 278 (Тўққиз миллион беш юз ўн саккиз минг икки юз етмиш саккиз) сўм**ни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан *пудратчининг* ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин қўшимча келишум асосида аниқланади.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини

коплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтари юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда баргараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказилади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вақилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *бююртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *бююртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *бююртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи бююртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *бююртмачи пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *бююртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

*Пудратчининг* мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчида* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Бююртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар



томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқизилади;

*Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқазига ихтисослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкilot, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олиш талаб қилинади.*

2). **Бажарилган ишлар (хизматлар)ни ҳақиқий иш ҳажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);**

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). *Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ* томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *буюртмачига буюртмачи* томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. *Пудратчи буюртмачига* ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи:*

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси

томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчинини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима



ундириш ҳуқуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдоридан жарима тўлайди.

14.5. *Буюртмачи* *Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

## XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК  
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур кўчаси 119 уй  
Ш/х: 304521860274017045204118173  
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигининг Амалиёт Бошқармаси  
х/р 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014 -ИНН: 201 122 919

Директор  Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев

### ПУДРАТЧИ

Янгийўл ТЙФУК  
Тошкент вилояти Янгийўл тумани  
А.Ортиқов ж/х Баҳор маҳалласи Нов кўргони,  
х/р: 2262 6000 2001 3242 5005  
ИНН 200 588 576 МФО 00911  
“Ипак йўли” АИТБ Янгийўл филиали  
ОКЭД 42110  
Тел: 870-603-39-15 +9989706064166  
Индекс: 110812

Директор  М.М.Махмудов

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қора тепа МФЙ Ғалаба  
кўчасини жорий таъмирлаш  
2021 йил " 3 " 11 даги 2021/923 -сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қора тепа МФЙ Ғалаба кўчасини жорий таъмирлаш

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

сўм

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2021 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий қиймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2021												72 973 466		72 973 466
	<b>ҲАММАСИ:</b>	2021												72 973 466		72 973 466

БЎЎРҒМАЧИ:



*[Handwritten signature]*

ПУДРАТЧИ:



*[Handwritten signature]*





Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қора тепа МФЙ Ғалаба кўчасини жорий таъмирлаш  
2021 йил " 3 " \_\_\_\_\_ даги 2021/923 -  
сонли шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қора тепа МФЙ Ғалаба кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2021 йил													
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	Жами	
Ажратилган аванс маблағи	2021												21 892 040		21 892 040
Ажратилган аванс маблағини инobatта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблағ	2021												51 081 426		51 081 426
Жами:	2021												72 973 466		72 973 466
Жами молиялаштириладиган маблағ	72 973 466 (Етмиш икки миллион тўқсиз юз етмиш уч минг тўрт юз олтиш олти)														



*[Handwritten signature]*



*[Handwritten signature]*

